

Намознинг шаъни нақадар улўғ!

Image not found or type unknown



11:52 / 06.03.2023 2714

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло билан илк гаплашганларида Аллоҳ таолонинг у кишига қилган ваҳийси:

﴿لِّلذِّكْرِى الصَّلٰوةَ وَاَقِمْ فَاَعْبُدْنِى اَنَا اِلَّا اِلٰهَ لَا اَلٰهَ اِنَّا اِنۡبِى

«Албатта, Мен, Ўзим, Аллоҳдирман. Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қил ва мени зикр этиш учун намозни тўкис адо эт»
(Тоҳа сураси, 14-оят).

Намознинг шаъни нақадар улуғ! Ушбу оятдаги намозга бўлган амр нақадар муҳим!

Агар сиз азон овозини эшитсангиз, ишингизни тўхтатиб, Моликул мулкнинг ризосига эришишга шошилиш, Уни энг улуғ ибодат, энг улуғ тоатда зикр қилиш, пок деб ёд этиш учун намозга киришинг!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

﴿تَرْجِعُونَ وَإِلَيْهِ الْمَكْرُوهُ وَجْهَهُ إِلَّا هَالِكٌ شَيْءٌ كُلُّهُ إِلَّا إِلَهَ لَا آخِرَ لَهَا اللَّهُ مَعَ تَدْعٍ وَلَا﴾

«Аллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳга илтижо қилма. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Ундан ўзга ҳар бир нарса ҳалок бўлгувчидир. Хукм Унинг Ўзигагинадир ва фақат Унгагина қайтарилурсиз». (Сен уларнинг гап-сўзларига, хоҳиш-истакларига қараб ўтирма. Аллоҳнинг оятларига амал қилишда давом этавер.) (Қосос сураси, 88-оят)

Агар ота-онанг ҳаёт бўлсалар, ҳар куни уларни зиёрат қилиш, қўнғироқ қилиш, уларга ҳадя улашиш ёки уларнинг номларидан садақа бериш, ҳақларига дуо қилиш ва уларнинг яқинларига силаи раҳм қилиш билан уларнинг қалбларига шодлик киритинг. Ана шунда зиммангиздаги уларнинг ҳақларини, яъни уларга нисбатан қилишингиз керак бўлган ишни қилаётган бўласиз.

Аллоҳ таоло уларнинг ҳақларига дуо қилишни биз бандаларига таълим бериб шундай марҳамат қилган:

﴿صَغِيرًا رَبِّيَ إِذْ كَانَ أَرْحَمَهُمَا رَبِّ وَقُلِ الرَّحْمَةَ مِنَ الذُّلِّ جَنَاحَ لَهُمَا وَأَخْفِضْ﴾

«Ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт» (Исро сураси, 24-оят).

Нозимжон Ҳошимжоннинг

«Меърожда фарз бўлган ибодат» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 17 июндаги 03-07/4942-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.